

С.Зиёдуллаев

Термиз давлат университети

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлаш уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Активлар даромадлилигининг барқарор даражасини таъминлаш соф фойданинг барқарор даражасини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Мақола Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг даромадлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, актив, даромадлилик, соф фойда, риск, кредит, инвестиция, захира, фоиз ставкаси, маржа.

ACTUAL ISSUES OF INCREASING THE PROFITABILITY OF COMMERCIAL BANKS' ASSETS

Abstract. Ensuring the profitability of commercial banks' assets is one of the prerequisites for ensuring their financial stability. Ensuring a stable level of return on assets will play an important role in ensuring a stable level of net income. The article identifies urgent problems related to ensuring the profitability of assets of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, asset, profitability, net profit, risk, loan, investment, reserve, interest rate, margin.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида

банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат банклари берадиган кредитлар ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган[1]. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш, биринчи навбатда, тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш имконини беради. Аммо, ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Жумладан, тижорат банклари кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта. Бундан ташқари, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Ўзбекистон тижорат банклари активларининг ҳажмида жуда кичик салмоқни эгаллайди.

Адабиётлар шарҳи

Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банклари активларининг даромадлилигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, соф фоизли маржа кўрсаткичи ҳисобланади. Соф фоизли маржа банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, кредитлар ва депозитлар бозоридаги юқори даражадаги рақобат унинг даражасига кучли таъсир кўрсатади [2].

Д.Макнотоннинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда фоизли даромадларнинг ўрни катта бўлиб, улар ялпи даромадининг умумий ҳажмида фоизли даромадларнинг салмоғи камида 70 фоиз бўлиши керак [3].

И.Лещукованинг фикрига кўра, тижорат банкларининг фойдасини барқарор даражасини таъминлаш учун банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш керак ва мазкур стратегия банк ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган мақсадлар, ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиши керак [4].

О.Волошинанинг фикрича, тижорат банклари фоиздли даромадларининг даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- фоизли даромадларнинг ссуда ҳисобрақамларининг ўртача қолдиғига нисбати;

- қисқа муддатли ссудалардан олинган даромадларнинг қисқа муддатли ссудаларнинг ўртача қолдиғига нисбати;

- алоҳида кредит гуруҳлари бўйича олинган даромадларнинг ушбу гуруҳ кредитларининг ўртача суммасига нисбати;

- узоқ муддатли ссудалардан олинган фоизли даромадларнинг узоқ муддатли ссудаларнинг ўртача қолдиғига нисбати [5].

С.Кумокнинг хулосасига кўра, ҳозирги даврда тижорат банклари капиталга тўғри келадиган фойда меъёрини капиталнинг етарлилигини пасайтириш ҳисобига ошириш имконига эга эмас. Чунки, банклараро рақобатнинг кучли эканлиги ва кредит ресурсларининг қимматлашаётганлиги капиталнинг активларга нисбатан оптимал даражасини таъминлашга тўсқинлик қилади. Шунинг учун умумий капиталга тўғри келадиган фойда меъёрини оширишнинг бош захираси бўлиб, активлар қайтимининг даражасини ошириш ҳисобланади [6].

Б.Бердияров томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, банклар активлари ва капитали рентабеллиги кўрсаткичларининг нисбатан паст эканлиги, тижорат банклари томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти бўйича меъёрий талабларни бажарилмаётганлиги ана шундай омиллардан саналади [7].


Ж. Исаков томонидан амалга оширилган эконометрик таҳлилларнинг натижаси кўрсатдики, тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасига ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасининг ўртача бир фоизга ошиши берилган кредитлар даромадлилини 0,8 фоизга ошишига, берилаётган кредитлар ҳажмини бир фоизга ошиши кредитлар даромадлилик даражасини 1,8 фоизга камайишига олиб келади [8].

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва аналитик таққослаш, мантикий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари активларининг даромадлилигини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичлар мавдждуд бўлиб, улар орасида соф фоизли маржа ва 1 сўмлик активларга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичлари банк активларининг молиявий таҳлилида кенг қўлланилади.




1-расм. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси, фоизда [9]

1-расм маълумотларидан яққол кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ошган. Бу эса, банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5%) анча паст бўлганлиги банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадик, ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк активларининг рентабеллигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари активларининг таркибида юқори салмоқни кредитлар эгаллаганлиги сабабли кредитларнинг даромадлилиги банкларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, кредитларнинг даромадлилиги кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражасига боғлиқ.



2-расм. ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, фоизда [10]

2-расм маълумотларидан кўринадик, 2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлган.

Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ банкнинг харажатида олиб борилади. Шу сабабли, захира ажратмалари миқдорининг ошиши тижорат банкининг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг

ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки, соф фойда тижорат банклари фаолиятининг барқарор ривожланишини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари активларининг даромадлилик даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири активларнинг рискка тортилган суммасининг ўзгариши ҳисобланади. Чунки, активларнинг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги тўғри мутаносиблик мавжуд: активнинг риск даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг даромадлилик даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Шу сабабли, тижорат банкларида рискка тортилган активлар суммаси билан соф фойда ўртасида ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) Миллий банкида соф фойда, активларнинг рискка тортилган суммаси ва соф фойданинг даражаси [11]

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Соф фойда, млрд. сўм	157	354	506	1 043	905
Активларни рискка тортилган суммаси, млрд. сўм	10 936	28 397	33 650	41 658	53 820
Соф фойдани активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси, %	1,4	1,2	1,5	2,5	1,7

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банки соф фойдасининг миқдори 2016-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, банкнинг соф фойдаси миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан камайган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банки активларининг рискка тортилган суммаси 2016-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банки соф фойдасининг даражаси фақат 2019 йилда меъерий талаб даражасида бўлган, яъни 2,0 фоиздан юқори бўлган. Қолган тахлил қилинган йилларда соф фойданинг даражаси паст бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши тижорат банкларининг активларининг даромадлилигига таъсир кўрсатувчи

асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар ва тадбирларнинг белгиланганлиги тижорат банклари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мувозанатлашган макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган: йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизга пасайтириш, 2023 йилдан давлат бюджети дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдорини 4,5 млрд. АҚШ долларида ошиб кетмаслигини таъминлаш вазифалари қўйилган [12].

Бироқ, ҳозирги даврда республикада инфляция даражасининг нисбатан юқори эканлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқдаки, бунинг натижасида тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини даражаси юқори даражада қолмоқда.

Хулосалар ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банклари кредит портфелини ва рискларини бошқаришни такомиллаштириш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш вазифаларининг қўйилганлиги тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларни ҳал қилишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражасини ошганлиги банк активларининг даромадлилигини ошириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини

меъёрий даражадан (4,5%) сезиларли даражада паст бўлганлиги салбий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банк активларининг даромадлилигини ошириш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2017-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъёрий даражасидан юқори бўлганлиги банк активларининг даромадлилигини ошириш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банки соф фойдасининг миқдори 2016-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, лекин, соф фойда миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан камайган. Банкда соф фойданинг даражаси фақат 2019 йилда меъёрий талаб даражасида бўлган, яъни 2,0 фоиздан юқори бўлган. Қолган таҳлил қилинган йилларда соф фойданинг даражаси паст бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банки активларининг рискка тортилган суммаси 2016-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасига эришиш учун, биринчидан, фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш керак; иккинчидан, соф фоизли маржанинг даражасига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичларнинг (соф фоизли спред, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси, харажатлар/даромадлар коэффициенти, фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик) меъёрий даражасини таъминлаш лоим.

2. Тижорат банклари ялпи даромадининг брутто активларга нисбатан даражасини ошириш учун, биринчидан, фоизли даромадларнинг фоизли харажатларга нисбатан барқарор нисбатини шакллантиришга эришиш зарур; иккинчидан, харажатлар/даромадлар коэффицентининг меъёрий даражасини (0,45) таъминлаш керак; учинчидан, қимматли қоғозларга

килинган инвестициялардан олинадиган фоизли даромадларнинг миқдорини ва фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим.

Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қўғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи жуда паст бўлганлиги сабабли, қимматли қўғозларга қилинган инвестициялардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлардаги улуши жуда паст. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг брутто активлари ҳажмида қимматли қўғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи атиги 4,4 фоизни ташкил этди [13].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.338.
3. Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся стран. Пер. с англ. – Вашингтон: ИЭР, 1994. – С.71.
4. Лещукова И. В. Прибыль коммерческого банка и ее источники//Инновационная наука. – Москва, 2017. - № 5. - С. 114 – 116.
5. Волошина О.Б. Доходность банка как один из основных показателей его экономического положения//Известия высших учебных заведений. - Поволжский регион, 2014. - 1. – С. 168-172.
6. Кумок С.И. Анализ деятельности коммерческих банков. – М. : Вече, 1996. – С. 53.
7. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 29.
8. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.
9. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.nbu.uz.
10. ТИФ Миллий банки. Тижорат банкининг баланс ҳисоботи; Активларни риск даражасига кўра таснифи. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. www.nbu.uz.

11. ТИФ Миллий банки. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Рискка тортилган активлар ҳисоб-китоби. 2017, 2018, 2019, 2020. www.nbu.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//QMMB:06/22/60/0082-сон.29.01.2022.

13. To'la'kov, U.T., (2021). Ko'chmas mulkning kadastr va bozor qiymatlari o'rtasidagi farq. «Илм-фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий 21-конференция тўплами, 68-72 б.

14. Тўлаков, У.Т., (2021). Кўчмас мулк солиғи ҳудудлар ривожланишининг ўзига хос «Абадий ҳаракат машинаси». «Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари» мавзусидаги Республика 35-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28-31.

15. Тижорат банкларининг жамланма баланси. www.cbu.uz